

01-05/2-12  
17.01.2024 й.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза  
қилиш ва иқлим ўзгариши вазири

DEVONXONA

А.А. Абдухакимов

2024 йил 17 январь

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг  
2024 йил I ярим йилликка мўлжалланган  
ИШ РЕЖАСИ

T/р	Амалга ошириладиган вазифалар	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва Хукумат қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши			
1.	<p>Маҳсулот ва хизматларни ихтиёрий экологик маркировкалаш тизимини такомиллаштириш. Куйидагиларни назарда тутувчи норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш: хусусий сектор иштирокини кенгайтириш орқали экологик маркировкалаш тизимини шакллантириш; экологик маркировкага эга маҳсулотлар ва хизматлар турларини кенгайтиришга йўналтирилган рағбатлантириш механизмларини жорий этиш; маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқиши ва реализация қилишда уларнинг экологик таъсири тўғрисида истеъмолчиларнинг тўғри ахборот олиш хуқуқларини таъминлаш.</p>	2024 йил июнь	<p>Вазирнинг биринчи ўринbosари (О. Қудратов), Юридик таъминлаш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўлими (М. Каримова), “Давлат экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштириш маркази” МЧЖ (Н. Юнусов)</p>

<p>Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш ва республика худудидан олиб чиқишида экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни мажбурий экологик сертификатлаш тартибини такомиллаштириш.</p> <p>Куйидагиларни назарда тутувчи норматив-хукуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиши:</p> <p>ва Вазирлар Маҳкамасига киритиши:</p> <p>мажбурий экологик сертификатланиши лозим бўлган хавфли маҳсулотлар ва чиқиндилар рўйхатини Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар доирасидаги мажбуриятларидан</p> <p>ва миллий қонунчиликда белгиланган бошқа талаблардан келиб чиқиб қайта шакллантириш;</p> <p>мажбурий экологик сертификатлаштириш лозим бўлган олди-сотди обьекти бўлган, хавфли маҳсулотлар ва чиқиндилар, шунингдек, ташилиши керак бўлган хавфли чиқиндилар рўйхатини тасдиқлаш;</p>	<p>2024 йил июнь</p>	<p>Вазирнинг биринчи ўринbosари (<i>O. Құдратов</i>), Юридик таъминлаш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўлими (<i>M. Каримова</i>), “Давлат экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштириш маркази” МЧЖ (<i>Н. Юнусов</i>), Чиқиндиларни бошқариш сиётини белгилаш бўлими (<i>Ш. Рахманов</i>)</p>
<p>Фарғона ва Наманган вилоятларида биохилма-хилликни сақлаш, табиий мажмуаларни қайта тиклаш ҳамда экотуризмни ривожлантириш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий худуд ташкил этиш.</p> <p>Фарғона вилоятининг Ёзёвон табиий ёдгорлиги, Сўх, Шўрсув, Қайроққум ва Каттатурк ҳамда Наманган вилоятининг Мингбулоқ ва Поп адирликлари табиий худудларида биохилма-хилликни сақлаш, табиий мажмуаларни қайта тиклаш ҳамда экотуризмни ривожлантириш мақсадида умумий майдони 100 минг гектаргача бўлган миллий табият боғини ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига қарор лойиҳасини киритиши.</p>	<p>2024 йил апрель</p>	<p>Вазирнинг биринчи ўринbosари (<i>O. Құдратов</i>), Муҳофаза этиладиган табиий худудлар департаменти ДМ (<i>З. Рахимов</i>), Муҳофаза этиладиган табиий худудлар бўлими (<i>Х. Шеримбетов</i>), Ахборот коммуникация технологиялари жорий этиш ва кадастрни юритиши бўлими (<i>Ф. Хуррамов</i>)</p>
<p>Маҳаллий ва халқаро эксперталарни жалб қилган ҳолда миллий қонунчиликда “яшил иқтисодиёт” ва “яшил молиялаштириш” механизmlарини, шунингдек, экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойилларини</p>	<p>2024 йил июнь</p>	<p>Яшил иқтисодиёт ва иқлим сиёсати бошқармаси, Атроф-муҳит ва табиятни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти</p>

	жорий қилиш юзасидан қонунчилек базасини яратиш.		(Б. Пулатов), Халқаро ҳамкорлик ва грантларни жалб этиш бўлими (Ж. Талипов),
5.	Бўйтонлиқ ва Зомин туманларида туристик-рекреацион зоналарда экологик тоза худуд режими татбиқ этиши.	2024 йил июнь	Вазирнинг биринчи ўринbosари (О. Кудратов), Муҳофаза этиладиган табиий худудлар департаменти ДМ (З. Рахимов), Муҳофаза этиладиган табиий худудлар бўлими (Х. Шеримбетов), Ўрмон хўжалиги агентлиги

### Экологик сиёсат ва назорат йўналиши

6.	<p>Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг биттадан туман ва шаҳрида 2030 йилга мўлжалланган экологик “мастер-режа”сини ишлаб чиқиши.</p> <p>Бунда, халқаро тажрибани ўрганиш мақсадида хорижий эксперталарни жалб этиш ҳамда намунавий лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиши;</p> <p>намунавий лойиҳа хужжатлари асосида худудларга ташриф буюрган ҳолда биттадан экологик “мастер-режа”сини ишлаб чиқиши.</p>	2024 йил май-июнь	<p>Вазирнинг биринчи ўринbosари (О. Кудратов), Атроф-муҳит мониторинги, гидрометеорология, иклим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими (В. Ҳайтбоев), Экологик сиёсат бошқармаси (Ф. Сатторов), “Давлат экологик экспертизаси маркази” давлат муассасаси (Ғ. Мухамедов)</p>
7.	<p>Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат ишларини амалга ошириш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар билан биргаликда I чоракда – 350 та ҳамда II чорак давомида – 550 та <b>рейд тадбирларини амалга ошириш</b>.</p> <p>Рейд тадбирларини амалга ошириш давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича қонуний чоралар кўриш.</p>	2024 йил I ярим йиллик давомида	<p>Экология назорат инспекцияси (А. Қурбонов), Қорақалпогистон Республикаси Экология вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари</p>

8.	<p>Корхона ва ташкилотларда ҳамда аҳоли ўртасида <b>экологик ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича:</b></p> <p>I чорак давомида – 15 минг;</p> <p>II чорак давомида – 29 минг атроф мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича семинарлар, учрашувлар, давра сұхбатлари, тушунтиришлар ўтказиш ҳамда профилактика мақсадида ижтимоий тармоқларда ва оммавий ахборот воситаларида чиқишилар қилиш.</p>	2024 йил I ярим йиллик давомида	<p>Экология назорат инспекцияси (<i>A. Қурбонов</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Экология вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари</p>
9.	<p>Жамоатчилик экология назоратчилари тизимини жорий этиш, <b>жамоатчи инспекторлар</b> билан меҳнат муносабатларини тузиш.</p> <p>Бунда, жамоатчилик экология назоратчиларининг функционал вазифаларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш;</p> <p>110 нафар жамоатчилик экология назоратчиларини очик танлов асосида жалб этиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш ишларини олиб бориши.</p>	2024 йил апрель	<p>Экология назорат инспекцияси (<i>A. Қурбонов</i>), Юридик таъминлаш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўлими (<i>M. Каримова</i>), Инсон ресурсларини бошқариш бўлими (<i>D. Аширова</i>)</p>
10.	<p><b>“Ijro.gov.uz”</b> ижро интизоми идора-лааро ягона электрон тизими орқали топшириқ ва вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда ташкилий ишларни мувофиқлаштириш.</p> <p>Бунда, <b>“Ijro.gov.uz”</b> тизимида назоратда турган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича муҳокамалар ўтказиш;</p> <p>топшириқлар ижросини таъминламаган масъулларга нисбатан интизомий чора кўриш бўйича вазирга таклиф киритиш.</p>	Хар ҳафта чоршанба ва жума кунлари Хар ойнинг 5 санасигача	<p>Вазирнинг биринчи ўринbosари (<i>O. Қудратов</i>), Назорат ва ижро интизоми ҳамда мурожаатларни кўриб чиқиш бўлими (<i>У. Усманов</i>)</p>

### Соҳага рақамли технологияларни жорий қилиш йўналиши

11.	Экология соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ва мониторинг қилиш ишларини ташкил этиш учун <b>120 та онлайн кузатув камераларини ўрнатиши.</b>	2024 йил I ярим йиллик давомида	<p>Вазирнинг биринчи ўринbosари (<i>O. Қудратов</i>), “Эко-Медиа маркази” давлат муассасаси</p>
-----	--	---------------------------------	---

	<p>Бунда, экология соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатлари содир бўлиш ҳавф-хатари юқори бўлган манзиллар координаталарини аниқлаш.</p> <p>Онлайн камераларга техник талабларни ишлаб чиқиш ва I чоракда – 50 та, II -чоракда – 70 та Онлайн камералар харид қилиш.</p>		<p>(<i>O. Ашурев</i>), Экология назорат инспекцияси (<i>A. Курбонов</i>)</p>
12.	<p>Кўрсатилаётган давлат хизматларини <b>ракамлаштириш</b> мақсадида:</p> <p>давлат хизматларини хатловдан ўтказиш;</p> <p>давлат хизматларини рақамлаштириш бўйича тегишли техник регламентлари ва йўриқномаларини ишлаб чиқиш;</p> <p>давлат хизматларини рақамлаштириш бўйича тегишли техник регламентлари ва йўриқномалари бегиланган тартибда келишиш ҳамда тасдиқлаш.</p> <p>I чоракда – 1 та, II чоракда – 2 та янги онлайн давлат хизматларини амалиётга жорий этиши.</p>	<p>2024 йил I ярим йиллик давомида</p>	<p>Вазирнинг биринчи ўринbosари (<i>O. Кудратов</i>), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва кадастрини юритиш бўлими (<i>Ф. Хуррамов</i>)</p>
13.	<p>Сунъий йўлдош ва GIS тизимлари орқали <b>354 та</b> муҳофаза этиладиган ҳудудлар, чиқинди полигонлари, сув ҳавзалари, “яшил белбоғ”лар, “жамоат парклари” ва ихотазорларни мониторинг тизимини татбиқ этиши.</p> <p>Бунда, сунъий йўлдошлар орқали тасвирга олинадиган объектларнинг манзиллари ва майдонларини аниқлаш;</p> <p>сунъий йўлдошлар орқали тегишли тасвирларни йиғиши ва қайта ишлаш.</p>	<p>2024 йил март</p> <p>2024 йил август</p>	<p>Вазирнинг биринчи ўринbosари (<i>O. Кудратов</i>), Ахборот коммуникация технологиялари жорий этиш ва кадастрини юритиш бўлими (<i>Ф.Хуррамов</i>), Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти (<i>Б. Пулатов</i>)</p>

### Яшил ҳудудларни ривожлантириш йўналиши

14.	<p>“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида манзарали ва мевали дараҳт ҳамда буталар кўчатларини, қаламчаларини экиш.</p> <p>Бунда, “яшил макон” умуммиллий дастури доирасида 2024-йилдан бошлаб кўкаламзорлаштириш бўйича Давлат</p>	<p>2024 йил 20 февраль</p>	<p>Вазирнинг биринчи ўринbosари (<i>O. Кудратов</i>), “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини ташкиллаштириш ва мониторинг бошқармаси</p>
-----	---	--------------------------------	--

	<p>инвестиция дастурини ишлаб чиқиш мақсадида ҳудудлар кесимида манзилли дастурлар ишлаб чиқиш; манзилли дастурларни умумлаштириб, лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш; тақдим этилган манзилли дастурларни умумлаштириш ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш. 2024 йилнинг баҳор мавсумида – <b>125 млн туп</b> манзарали ва мевали дарахт ҳамда буталар кўчатлари, қаламчаларини экиш.</p>	<p>2024 йил 1 март 2024 йил 10 март 2024 йил баҳор мавсумида</p>	<p>(<i>F. Каршибоев</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Экология вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари</p>
15.	<p>Саноат корхоналари атрофида “<b>Яшил белбоғ</b>”лар ташкил этиш. “<b>яшил белбоғ</b>”ларни барпо этиш учун ер майдонларини белгилаш чораларини кўриш ва лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш; тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида тупроқ ва иқлим шароитига мос дарахт турларидан “яшил белбоғ”ларни барпо этиш; Йирик саноат корхоналари ҳудудлари ва атрофида <b>1,2 млн дона</b> дарахт кўчатлари экилишини ташкил этиш. “<b>Яшил белбоғ</b>”ларни доимий равишда қўриқлаш ва парвариш қилиш ишларини ташкил этиш.</p>	<p>2024 йил март 2024 йил баҳор мавсумида доимий</p>	<p>Вазирнинг биринчи ўринbosари (<i>O. Кудратов</i>), Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими (<i>B. Холхўжсаев</i>), “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини ташкиллаштириш ва мониторинг бошқармаси (<i>F. Каршибоев</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Экология вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари</p>
16.	<p>Ҳудудларда “<b>Яшил боғлар</b>”ни <b>222 тага</b> етказиш. Бунда, ҳар бир туман шаҳар ҳокимликларининг ҳамда вазирлик идоралар томонидан ташкил этиладиган боғларнинг ҳудудларига аниқлик киритиш; туман, шаҳар халқ депутатлари кенгашининг тегишли қарорига асосан яшил боғларни ташкил этиш ҳамда ер ажратиш чораларини кўриш; боғларнинг тупроқ иқлим шароитидан келиб чиқиб, дарахт ва бута турларини аниқлаш, лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш.</p>	<p>2024 йил февраль 2024 йил март</p>	<p>Вазирнинг биринчи ўринbosари (<i>O. Кудратов</i>), Яшил ҳудудларни ривожлантириш департаменти (<i>O. Ҳакимов</i>), Ўрмон хўжалиги агентлиги, (<i>H. Бакиров</i>) “Яшиллойиҳа” лойиҳалаш институти давлат муассасаси, Қорақалпоғистон Республикаси Экология вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари</p>

	Тадбирларни молиялаштириш манбаларига аниқлик киритиш ва <b>222 та яшил боғларни барпо этиш.</b>	2024 йил баҳор мавсумида	
17.	<p>Ўрмон фондидаги бўш турган ер участкаларини онлайн аукцион орқали жисмоний ва юридик шахсларга <b>ижара</b>га <b>беришни ташкил</b> этиш.</p> <p>Бунда, фойдаланилмай бўш турган ерларни ўрмон бўлимлари ва контурлар кесимида аниқлаш; танланган <b>1 000 гектар ер майдонларини</b> белгиланган тартибда электрон онлайн аукцион орқали ижарага берилишини ташкил этиш.</p>	2024 йил I ярим йиллик давомида	<p>Вазирнинг биринчи ўринbosари (<i>О. Қудратов</i>), Ўрмон хўжалиги агентлиги (<i>Н. Бакиров</i>), Яшил ҳудудларни ривожлантириш департаменти (<i>О. Ҳакимов</i>)</p>
18.	<p>Фойдаланилмаётган давлат ўрмон фонди <b>ерларини ўзлаштириш.</b></p> <p>Бунда, фойдаланилмаётган давлат ўрмон фонди ер майдонларини хўжаликлар кесимида ўрганиш; ўрганиш давомида аниқланган фойдаланилмаётган <b>3500 гектар, шундан, I чорак давомида – 1 750 гектар, II чорак давомида – 1 750 гектар</b> давлат ўрмон фонди ер майдонларини ўзлаштириш.</p>	<p>2024 йил март</p> <p>2024 йил I ярим йиллик давомида</p>	<p>Вазирнинг биринчи ўринbosари (<i>О. Қудратов</i>), Ўрмон хўжалиги агентлиги (<i>Н. Бакиров</i>)</p>
19.	<p><b>2800 гектр доривор ўсимликлар плантацияларини</b> барпо этиш орқали 600 тонна <b>доривор ўсимликлар</b> хомашёсини етиштириш.</p> <p>Бунда, ўрмон хўжаликларининг мавжуд ер майдонларини ўрганиб, доривор ўсимликлар етиштириладиган ер майдонларини аниқлаш, ерларни экишга тайёрлаш; доривор ўсимликларни ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитидан келиб чиқиб жойлаштириш ва уруғлик захирасини шакллантириш.</p>	<p>2024 йил I ярим йиллик давомида</p> <p>2024 йил март-апрель</p>	<p>Вазирнинг биринчи ўринbosари (<i>О. Қудратов</i>), Яшил ҳудудларни ривожлантириш департаменти (<i>О. Ҳакимов</i>), Ўрмон хўжалиги агентлиги (<i>Н. Бакиров</i>)</p>
20.	Фарғона водийси ва Тошкент вилоятининг истиқболли хом-ашёбоп ўсимликларнинг давлат рўйхати ва кадастрини яратиш ҳамда ушбу вилоятларда жойлашган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг флора тур таркибини <b>инвентаризация</b> қилиш.		<p>Вазирнинг биринчи ўринbosари (<i>О. Қудратов</i>), Ахборот коммуникация технологиялари жорий этиш ва кадастри юритиш бўлими (<i>Ф. Хуррамов</i>)</p>

	Бунда, мавжуд ёввойи ўсимлик турларини илмий манбалар асосида камерал ўрганиш; ёввойи ўсимлик турларини хатловдан ўтказиш мақсадида илмий экспедициялар ташкил этиш.	2024 йил март 2024 йил май	
21.	Жиззах ва Бухоро вилоятлари худудидаги күшлар, балиқлар ва сут эмизувчиларнинг иқтисодий аҳамиятга эга <b>40</b> турларини давлат <b>рўйхатидан ўтказиш ва кадастрини шакллантириш</b> . Бунда, мавжуд ёввойи ҳайвон турларини илмий манбалар асосида камерал ўрганиш; ёввойи ҳайвонот турларини хатловдан ўтказиш мақсадида илмий экспедициялар ташкил этиш.	2024 йил март 2024 йил май	Вазирнинг биринчи ўринбосари ( <i>O. Кудратов</i> ), Ахборот коммуникация технологиялари жорий этиш ва кадастрни юритиш бўлими ( <i>Ф. Хуррамов</i> )

### Биохилмажиллик сиёсатини юритиш йўналиши

22.	Бухоро ихтисослаштирилган “Жайрон” питомнигидан “Борсакелмас” давлат буюртма қўриқхонасига 20 бош туркман қулонини кўчириш ва иқлимлаштириш бўйича ЎзРФА Зоология институти билан биргаликда илмий асос тайёрлаш.	2024 йил январь-февраль	Вазирнинг биринчи ўринбосари ( <i>O. Кудратов</i> ), Муҳофаза этиладиган табиий худудлар департamenti ДМ ( <i>З. Рахимов</i> ), Муҳофаза этиладиган табиий худудлар бўлими ( <i>X. Шеримбетов</i> ), Биохилмажиллик сиёсатини юритиш бўлими ( <i>A. Садиков</i> ), Бухоро ихтисослаштирилган “Жайрон” питомниги, “Борсакелмас” давлат буюртма қўриқхонаси
23.	Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган ёввойи ҳайвонлар сонини қўпайтириш ва “Қизил китоби”га киритилган 500 бош ёввойи ҳайвонларни табиатта қўйиб юбориш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Вазирнинг биринчи ўринбосари ( <i>O. Кудратов</i> ), Биохилмажиллик сиёсатини юритиш бўлими ( <i>A. Садиков</i> )
24.	Ёввойи доривор ва озуқабоп ўсимликларни етиштириш бўйича ташкил қилинадиган 4500 гектар, шундан:	2024 йил I ярим йиллик	Вазирнинг биринчи ўринбосари ( <i>O. Кудратов</i> ),

	<p>I чоракда – 2 000 гектар;      II чоракда – 2 500 гектар плантацияларни рўйхатга олиш.      Бунда, ёввойи ўсимликларни кўпайтириш плантацияларини реестрга киритиш бўйича келиб тушадиган аризаларни кўриб чиқиш.      Келиб тушган аризалар белгиланган тартибда реестрга киритиш</p>	давомида	<p>Биохилмажиллик сиёсатини юритиш бўлими  <i>(A. Садиков)</i></p>
--	---	----------	--

### **Сув ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш йўналиши**

25.	25 та Саноат корхоналарида локал оқова тозалаш иншоотларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	<p>Сув ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими  <i>(А.Холмуродов),</i>          Қорақалпоғистон Республикаси Экология вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари</p>
26.	Фойдали қазилмаларни қазиб олиш натижасида бузилган 475 гектар ер майдонларини рекультивация қилиш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	<p>Сув ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими  <i>(А.Холмуродов),</i>          Қорақалпоғистон Республикаси Экология вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари</p>
27.	Дарё ва сойлар ўзанларини тозалаш ва рухсатнома асосида қум шағал қазиб олиш билан шуғулланиб келаётган 150 та субъектлар фаолиятини танқидий ўрганиш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	<p>Сув ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими (<i>A. Холмуродов</i>),          Экологик назорат инспекцияси  <i>(А. Курбонов),</i>          “Хавфсиз дарё бошқармаси” давлат муассасаси  <i>(Ж. Абдуллаев)</i>          Қорақалпоғистон Республикаси Экология вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари</p>
28.	Очиқ сув ҳавзаларига оқава чиқараётган саноат корхоналари мониторинги асосида устувор ифлослантирувчи	2024 йил I ярим йиллик	<p>Сув ер ресурслари ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш сиёсати бўлими</p>

	43 та манбаларни аниқлаш ва бартараф қилиш.	давомида	(А.Холмуродов), Қорақалпоғистон Республикаси Экология вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари
--	---	----------	---

### Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш

29.	25 та корхона ва ташкилотларнинг атмосферага ташланмаларини камайтириш мақсадида янги чанг-газ тозалаш ускуналарини ўрнатиш ва мавжудларини модернизация қилиш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Экологик сиёsat бошқармаси (Ф. Саттаров), Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш сиёsatи бўлими (Б. Холхўжсаев)
30.	“Тоза ҳаво” ойлиги тадбири давомида 200 мин та автотранспорт воситаларини экологик назоратдан ўтказиши.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш сиёsatи бўлими (Б. Холхўжсаев), Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари
31.	Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятларида 8 та атмосфера ҳавоси ифлосланишини мониторинги қилиш станцияларини ўрнатиши.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ш. Хабибуллаев)

### Чиқиндиларни бошқариш сиёsatини белгилаш

32.	Қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиши хизматлари билан қамраб олиш даражасини ошириш.  Бунда, қамраб олинмаган маҳалла фуқаролар йигинлари учун қўшимча маҳсус техника харид қилиш. Харид қилинган маҳсус техника воситалари ёрдамида қамров даражасини ошириш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Чиқиндиларни бошқариш сиёsatини белгилаш бўлими (Ш. Рахманов), Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази (Ш. Ҳасанов), Қорақалпоғистон Республикаси Экология вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари
33.	Чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини ошириш.	2024 йил I ярим йиллик	Чиқиндиларни бошқариш сиёsatини белгилаш бўлими

		давомида	(Ш. Рахманов), Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази (Ш. Хасанов), Қарақалпоғистон Республикаси Экология вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари
34.	Маиший чиқинди полигонлари сонини қисқартириш. Бунда, ҳудудларда санитар-экологик талабларга жавоб бермайдиган қаттиқ маиший чиқинди полигонлари фаолиятини тугатиш чораларини кўриш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Чиқиндиларни бошқариш сиёсатини белгилаш бўлими (Ш. Рахманов), Чиқинди полигонларини бошқариш дирекцияси
<b>Атроф табиий мухит мониторинги</b>			
35.	Атроф табиий мухит ифлосланиши манбаларида 3 300 та давлат экологик мониторингини амалга ошириш (қайта ўлчовларни инобатга олган ҳолда).	2024 йил I ярим йиллик давомида	Вазир ўринбосари (Ж. Казбеков), Атроф-мухит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими (В. Ҳайтбоев), “Атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган таҳлилий назорат маркази” давлат муассасаси (Р. Файзиев), Қарақалпоғистон Республикаси Экология вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари
36.	4 та замонавий ўлчашларни бажариш услубиятларини ишлаб чиқиш, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига келишиш, тасдиқлаш, ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Вазир ўринбосари (Ж. Казбеков), Атроф-мухит мониторинги, гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва чўлланишга қарши курашиш бўлими (В. Ҳайтбоев), “Атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган таҳлилий назорат маркази” давлат муассасаси (Р. Файзиев)

### **Давлат хусусий шериклик ва инвестицияларни жалб этиш**

37.	<p>Халқаро молия институтларининг 88 млн доллар кредит, хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг грант ва тўғридан-тўғри инвестиция маблағлари ўзлаштириш. Инвестиция лойиҳалари доирасида маблағларни ўзлаштириш бўйича тармоқ жадвалларини тасдиқлаш.</p>	2024 йил I ярим йиллик давомида	<p>Вазир ўринbosари (<i>Ж. Казбеков</i>), Давлат хусусий шериклик ва инвестицияларни жалб этиш бўлими (<i>Н. Рихсиеев</i>), Вазирликнинг таркибий бошқарма ва бўлимлари, тизим ташкилотлари, “Экология соҳасида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича лойиҳа офиси” ДМ</p>
38.	<p>Экология, ўрмон хўжалиги ва гидрометеорология соҳаларини ривожлантириш, хусусан соҳага 70 млн доллар хорижий инвестицияларни жалб қилиш.</p>	2024 йил I ярим йиллик давомида	<p>Вазир ўринbosари (<i>Ж. Казбеков</i>), Давлат хусусий шериклик ва инвестицияларни жалб этиш бўлими (<i>Н. Рихсиеев</i>), Вазирликнинг таркибий бошқарма ва бўлимлари, тизим ташкилотлари, “Экология соҳасида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича лойиҳа офиси” ДМ</p>

### **Экологик таълим ва илмий-тадқиқот ишлари**

39.	<p>Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида 8 та илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши.</p>	2024 йил I ярим йиллик давомида	<p>Вазир ўринbosари (<i>Ж. Казбеков</i>), Экологик таълим, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий этиш бўлими (<i>А. Темиров</i>), Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети, Илмий-тадқиқот институтлари</p>
40.	<p>Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича 26 та илмий мақолалар тайёрлаш ва чоп этиши.</p>	2024 йил I ярим йиллик давомида	<p>Вазир ўринbosари (<i>Ж. Казбеков</i>), Экологик таълим, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий этиш бўлими (<i>А. Темиров</i>), Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини</p>

			ўрганиш университети, Илмий-тадқиқот институтлари
41.	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари, тренинглар ва семинарларда 300 нафар соҳа ходимларини малакасини ошириш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Вазир ўринбосари ( <i>Ж. Казбеков</i> ), Экологик таълим, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий этиш бўлими ( <i>А. Темиров</i> ), Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети, Илмий-тадқиқот институтлари

### Халқаро ҳамкорлик

42.	Чет эл ташкилотлари, халқаро ва донор ташкилотлари билан икки ва кўп томонлама 46 та учрашув-музокараларни ташкил этиш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Вазир ўринбосари ( <i>Ж. Казбеков</i> ), Халқаро ҳамкорлик ва грантларни жалб этиш бўлими ( <i>Ж. Талипов</i> )
43.	БМТ Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаб қолишга доир Конвенцияси Томонлар конференциясининг 14-ийғилишини ташкил этиш.	2024 йил февраль	Вазир ўринбосари ( <i>Ж. Казбеков</i> ), Халқаро ҳамкорлик ва грантларни жалб этиш бўлими ( <i>Ж. Талипов</i> )
44.	“Марказий Осиё глобал иқлим муаммолари қаршисида: умумий фаровонлик йўлида бирлашиш” Биринчи Самарқанд халқаро форумини ташкил этиш.	2024 йил апрель	Вазир ўринбосари ( <i>Ж. Казбеков</i> ), Халқаро ҳамкорлик ва грантларни жалб этиш бўлими ( <i>Ж. Талипов</i> )

### Давлат экологик экспертизаси

45.	Корхона ва ташкилотларнинг Давлат экологик экспертизаси ўтказилишини ҳамда белгиланган тартибда 10500 та хуносалар тақдим этилишини таъминлаш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Вазирнинг биринчи ўринбосари ( <i>О. Қудратов</i> ) “Давлат экологик экспертизаси” Давлат муассасаси ( <i>F. Мухамедов</i> ), Экология назорат инспекцияси ( <i>A. Қурбонов</i> )
46.	O‘zMSt ISO 14067:__ “Иссиқхона газлари. Махсулотнинг углеродли изи. Миқдор жиҳатидан аниқлаш бўйича талаблар	2024 йил март	Вазирнинг биринчи ўринбосари ( <i>О. Қудратов</i> ) “Давлат экологик экспертизаси” Давлат муассасаси

	ва раҳбарий кўрсатмалар” миллий стандартини ишлаб чиқиш.		(F. Мухамедов)
47.	Атроф-мухитга таъсири баҳолаш ва давлат экологик экспертизаси йўналишида фаолият олиб бораётган мутахассислар ва экспертларнинг малакасини ошириш бўйича ўкув-семинарлари ва тренинглар ўтказиш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Вазирнинг биринчи ўринбосари (O. Кудратов) “Давлат экологик экспертизаси” Давлат муассасаси (F. Мухамедов)

### Ўрмон хўжалиги соҳасида

48.	Ўрмон фондидаги фойдаланилмаётган 3,5 минг гектар ер майдонларини ўзлаштиришни ташкил этиш	2024 йил I ярим йиллик	Ўрмон хўжалиги агентлиги (Н.Бакиров)
49.	Ўрмон хўжаликлари томонидан жами 554 тонна чўл ўсимликлари ҳамда бошқа турдаги дараҳт ва буталарнинг уруғларини жамғариш.	2024 йил I ярим йиллик	Ўрмон хўжалиги агентлиги (Н.Бакиров)
50.	Ўрмон хўжалиги тадбирлари ва худудларни кўкаламзорлаштириш мақсадида 400 гектар майдонда ниҳолхона ва кўчатхоналар ташкил этиш.	2024 йил I ярим йиллик	Ўрмон хўжалиги агентлиги (Н.Бакиров)
51.	Орол ва Оролбўйи худудларида ўрмон-мелиоратив тадбирларини амалга ошириш орқали 133 минг гектар “яшил қопламалар” ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш.	2024 йил I ярим йиллик	Ўрмон хўжалиги агентлиги (Н.Бакиров)
52.	Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари дала четларида атрофида 500 гектар майдонда ихота дараҳтзорларини барпо этиш.	2024 йил I ярим йиллик	Ўрмон хўжалиги агентлиги (Н.Бакиров)
53.	Ўрмон фонди ерларида 2 минг гектар майдонда доривор ва озуқабоп ўсимликлар плантациялари ташкил этилиб, 4 минг тонна хом ашёси этиштирилади.	2024 йил I ярим йиллик	Ўрмон хўжалиги агентлиги (Н.Бакиров)
54.	Ўрмон хўжаликлирида хусусий сектор субъектлари билан биргаликда чорва бош сонини 180 мингга, парранда бош сонини 1 млн 300 мингга, асалари оиласлари сонини 230 мингга етказиш.	2024 йил I ярим йиллик	Ўрмон хўжалиги агентлиги (Н.Бакиров)

### Гидрометеорология соҳасида

55.	Янги ташкил этилаётган қор кўчки станциялари, метеорологик станциялар ва қузатув пунктлари учун бино ва иншоотлар қуриш, шунингдек уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ш.Хабибуллаев)
56.	Оролбўйи худудида метеорологик кузатишлар ва атмосфера ҳавоси ифлосланишини мониторинг қилиш тизимини автоматлаштириш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ш.Хабибуллаев)
57.	Хизмат кўрсатишнинг электрон шаклларини жорий этиш, гидрометеорологик хизмат инфратузилмаси, ахборот тизимлари, ресурслари ва дастурий маҳсулотларининг технологик ва ахборот ҳавфиззлигини таъминлаш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини такомиллаштириш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ш.Хабибуллаев)
58.	Авиаметеорологик бўлинмаларда фаолият натижадорлигини оширишни таъминлаш мақсадида ISO 9001:2015 халқаро стандарти бўйича сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва юкори даражада сақлаб туриш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ш.Хабибуллаев)
59.	Парвозлар ҳавфиззлигининг замонавий талаблари бажарилишини таъминлаш мақсадида миллий ҳамкор ташкилотлар ва авиация фойдаланувчилари билан авиацияни метеорологик таъминлаш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ш.Хабибуллаев)
60.	Республика аэродромлари худудларига ўрнатилган Автоматик авиация метеорология станциялари (КРАМС-4) метеоускуналарини ҳар йилги текшируви ўтказилишини ташкил қилиш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ш.Хабибуллаев)
61.	Гидрометеорология соҳаси ютуқларини мунтазам ёритиш орқали мавзуга оид мавжуд телекўрсатувларни такомиллаштириш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ш.Хабибуллаев)
62.	“Гидрометеорология ва атроф-муҳит мониторинги” илмий журнали нашр этилишини ташкиллаштириш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ш.Хабибуллаев)

### Туризм соҳасида

63.	Туристларни жалб қилиш кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш. Бунда: 1-чорақда 2,1 млн нафар; 2-чорақда 3 млн нафар.	ҳар чорақ якуни билан	Туризм қўмитаси (У. Шодиев)
64.	1. Экспорт кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш. Бунда: 1-чорақда 350 млн доллар; 2-чорақда 850 млн доллар.	ҳар чорақ якуни билан	Туризм қўмитаси (У. Шодиев)
65.	Оммавий тадбирларни ташкил этиш, шу жумладан республика даражадаги ва халқаро даражадаги тадбирларни ташкил этиш. Бунда: 1-чорақда 10 та республика ва 6 та халқаро тадбир; 2-чорақда 12 та республика ва 10 та халқаро тадбир.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Туризм қўмитаси (У. Шодиев)
66.	Ҳудудларнинг туризм салоҳиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш мақсадида инфотурлар ташкил қилиш. Бунда: 1-чорақда 4 та инфотур; 2-чорақда 4 та инфотур.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Туризм қўмитаси (У. Шодиев)
67.	Туризм соҳасига оид инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш. Жумладан: 1-чорақда 30 та лойиҳа; 2-чорақда 90 та лойиҳа.	ҳар чорақ якуни билан	Туризм қўмитаси (У. Шодиев)
68.	Туристик корхоналарни ва уларда янги иш ўринларини ташкил этиш. Жумладан: 1-чорақда 22 та корхона ва 22 та иш ўрин; 2-чорақда 29 та корхона ва 29 та иш ўрин.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Туризм қўмитаси (У. Шодиев)
69.	Санитария, гигиена шахобчалари (СГШ) ташкил этиш ва мавжудларини таъмирлаш ҳамда туристик ахборот марказларини ташкил этиш. Йил якунига қадар 80 та СГШ ташкил этилиши, 80 та СГШ таъмирланиши ва 6 та туристик ахборот марказлари ташкил этилиш чораларини кўриш.	2024 йил I ярим йиллик давомида	Туризм қўмитаси (У. Шодиев)

70.	<p>Туризм хизматларини сертификатлаш ва режали инспекциядан ўтказиш.</p> <p>Йил якунига қадар 243 та туристик корхоналарни сертификатлаштириш ва 760 та туристик корхоналарни режали инспекциядан ўтказиш чораларини амалга ошириш.</p>	2024 йил I ярим йиллик давомида	Туризм қўмитаси (У. Шодиев)
71.	<p>“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида ички туризм кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш. Бунда:</p> <p>1-чоракда 3,5 млн нафар;</p> <p>2-чоракда 6,9 млн нафар.</p>	2024 йил I ярим йиллик давомида	Туризм қўмитаси (У. Шодиев)
72.	<p>Туризм ва меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи ходимлар учун малака ошириш курсларини ташкил этиш. Бунда:</p> <p>1-чоракда 350 нафар;</p> <p>2-чоракда 500 нафар.</p>	режа-графикка мувофиқ	Туризм қўмитаси (У. Шодиев)
73.	<p>“Ipak yo‘li” туризм ва маданий мерос халқаро универститатига 2024-2025-ўқув йили учун белгиланган қабул параметрларига асосан 1 400 та талабаларни қабулини сифатли ташкил қилиш.</p>	режа-графикка мувофиқ	Туризм қўмитаси (У. Шодиев)